

А Ж Р И М

2024 йил январь ойининг 15 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди, “Мевазор” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья З.Шароповнинг раислигида, З.Ҳаққулованинг котибалигида, тарафлардан Зангиота туман прокурори А.Джураев, судланувчи Ю.М ва жабрланувчи Султанов Фатхулла Рахмонбердиевичнинг иштирокида, Ю.Мга оид 1-1101-2304/535-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Ю.М, 1979 йил 12 декабрь куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Мевазор м.ф.й., Шодлик кўчаси, 23-уйда яшайди, унга нисбатан жиноят иши юзасидан “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 30.11.2023 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов органи томонидан, Ю.Мга 2023 йил 24 октябрь куни соат 14:30 да ҳайдовчи 07.12.1979 йилда туғилган Ю.М бошқарувиги “ГАЗ 310290” русумли давлат рақами 01 С 342 ОВ бўлган автомобилида Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳудуди, Сортепа маҳалласидан ўтган М-34 “Тошкент-Душанбе” автомобиль йўли йўли орқали, Тошкент шаҳар йўналиши томондан Янгийўл шаҳри йўналиши томонга ҳаракатланиб кетаётиб, шу йўлнинг 32-сонли умум таълим мактаби олдида етганида, бу билан амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 2-банди, 11-банди, 1-қисми “г” банди, 31 банди, 6-қисми, ва 77-банди талабларини кўпол равишда бузган, яъни 2-банди талабларига кўра “Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиш тартиби белгиланган”лиги, 11-банди, 1-қисми “г” банди “Ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак ҳамда механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидаги ҳужжатларни ёнида олиб юриши ва ИИО ходимлари талаб қилганда уларга текшириш учун бериши шарт”лиги, 31 банди, 6-қисмига кўра “Светофорнинг доирасимон ишоралари қуйидаги маънони билдиришлиги, қизил ишора, шунингдек, милтилловчи қизил ишора ҳаракатланишни тақиқлаш”лиги ва 77-бандига кўра “Ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни



ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак”лиги белгиланган бўлсада, чорраҳадаги пиёдалар ўтиш йўлаги орқали ҳайдовчига нисбатан йўлнинг чап томонидан ўнг томонига ҳаракатланиб ўтаётган пиёда Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Сортепа МФЙ, Навоий кўчаси, 7-уйда яшовчи вояга этмаган 23.04.2016 йилда туғилган Рахмонбердиев Хасанжон Фатхулла ўғлини автомашинасининг олд чап томони билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган. Натижада вояга этмаган Х.Рахмонбердиев олган тан жароҳатлари билан РШТЁИМга мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2023 йил 03 ноябрь кунидаги №976-сонли хулосасига кўра Х.Ф.Рахмонбердиевда бош мия очиқ жароҳати, бош мияни оғир даражадаги лат ейиши, пешона-тепа суяқларини ботиқ бўлакланиб, синиб силжиши, мия моддасига қон қуйилиши, пешона-тепа соҳаси эзилиб-йиртилган яраси, пешона соҳаси юмшоқ тўқималарни лат ейиши, тери ости қонқуйилиши, ўмас қаттиқ жисм таъсирида юзаган келганлиги ҳамда ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра оғир тан жароҳатлиги кўрсатиб ўтилган.

Судга оид автотехника экспертизасининг 2023 йил 07 ноябрь кунидаги 73-сонли хулосасига асосан “ГАЗ-310290” русумли давлат рақам белгиси 01 С 342 ОВ бўлган автомашина ҳайдовчиси ҳодисани олдини олиб қолиш учун техник имкониятга эга бўлганлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи Ю.М ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, жабрланувчини унга нисбатан даъвоси йўқлигини, у билан ўзаро ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини айтиб, суддан ярашувни тасдиқлаб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берган.

Суд мажлисида жабрланувчи Султанов Фатхулла Рахмонбердиевич ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, унда судланувчи Ю.М билан ярашганлигини, судланувчи қилмиши учун кечирим сўрагани, етказилган зарарни тўлиқ қоплаб бергани, ярашув ихтиёрий равишда, бирон-бир тазйиқларсиз бўлганлигини, ҳозирда судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси талаблари тушунарли эканлигини билдириб, суддан ярашувни тасдиқлаб, судланувчи Ю.Мга нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.



Суд жабрланувчининг ва судланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, давлат айбловчисининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув тарафларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, судланувчи Ю.Мга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумонланувчи Ю.Мга нисбатан жиноят иши, у жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

Ю.Мга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи ва қонуний вакилга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисми талаблари тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка ичида, шу туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судига хусусий шикоят беришлари ёки хусусий протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи, судья:

З.Шаропов

